O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI



## Metodik tavsiyalar

# ТАЪТИЛНИ ҚАНДАЙ ЎТКАЗАСИЗ?

1999 йил билан хайрлашиш арафасидамиз. Ҳар бир йил ҳар биримиздан қадр ва мазмун талаб қилиши рост. Янги 2000 йилнинг "Соғлом авлод йили" деб эълон қилиниши ўтаётган 365 кунлик тарихнинг мантиқий давомидир, десак сира муболағаси йўқ.

Мактаб ўқувчилари ўқув йилининг биринчи ярим йиллигини якунлаб, навбатдагисини бошлаш ҳаракатида. Яъни, уларнинг қишки таътилларига ҳам саноқли кунлар қолди. Республика Халқ таълими вазирлиги Таълим маркази ўқувчиларнинг қишки таътилларини соз, мароқли ўтказишлари бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқди. Таъбир жоиз бўлса, уни таътил олдидан кўрсатма дейиш мумкин. Бунга мувофиқ, 10 кунлик таътил мобайнида болалар, ўсмирлар яйраб-қувнаб, ҳам жисмонан чиниқишлари, ҳам маънавий жиҳатдан бойишлари керак.

Аввало, янги йилнинг кириб келиши қишки таътилдаги энг унутилмас байрам. Шундай экан, Арча атрофидаги ўйин-кулгу, байрам томошалари болажонларимизга завқ-шавқ бағишлайди. Байрам сценарийсида севимли қаҳрамонлар — Қорбобо, Қорқиз, Насриддин афанди, Алдаркўса, Шаҳзода, Нўхатвойлар албатта кўриниш бериши керак. Бу кўриниш қизиқарли ҳодисалар орқали акс этади.

Арча атрофидаги тадбирларда турли раббийлар бошқош бўлади.

**Қўшимча таълим муассасаларида** сайёҳ-ўлкашунослик клуби фаолият кўрсатади. Ана шу клуб икки йўналишда иш олиб боради: "Буюк ипак йўли", "Фольклор этнографик". Бунда музей ва тарихий обидаларга саёҳат уюштирилади. Тарихни ўрганмай туриб, келажакка қадам қўйиш амри маҳол эканлиги бу саёҳатларнинг бош мақсадига айланади. Шунингдек, қўшимча таълим муассасаларида мактаблараро, синфлараро қуйидаги кўрик-танловлар ўтказилади:

"Энг озода кўча ёки хонадон", "Энг намунали маҳалла", "Етти шаҳар мўъжизаси", "Шарқ донолари", "Ёш ижодкорлар", "Ўзбекистон — Ватаним маним", "Сен қонунни биласанми?", "Мактабинг — шарафинг-шонинг", "Ватан—остонадан бошланади".

Бундай кўрик-танловлар сценарийси пухта, ихчам, ҳаётий воқеалар чиройли таҳлил қилинган ҳолда тузилади. Ҳакамлар ҳайъати таркибига қишлоқ ёки маҳалла фаоллари, мактаб ва муассасадан вакиллар киритилади. Ғолибларни аниқлашда холислик бош мезон қилиб олинади.

Умумтаълим мактабларида ёки қўшимча таълим муассасаларида **"Маънавий меросга ихлос"** марказини ҳам ташкил этиш мумкин. Бундан мақсад халқимизнинг кўп асрлик миллий адабиёти, санъати ва маданияти намуналарини ёш авлодга етказишдан иборат бўлиши керак.

танловлар ўтказилади, совғалар улашилади. Чунончи, кам таъминланган оилалар фарзандларига, етим ва ногирон болаларга Президентимиз номидан совғалар топширилиши керак.

Барча оммавий тадбирларни ўтказишда ёнғин хавфсизлигига риоя этиш, хавфсизликни таъминлаш ишига жойлардаги ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар, жамоат тартибини сақловчи ходимларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Тадбирларга боришда ҳар 10 ўқувчига биттадан раҳбар тайинлаш керак.

Умумтаълим мактаблари, мактабдан ташқари муассасаларда, маҳаллаларда бўш вақтни фойдали машғулотлар билан ўтказиш учун қуйидаги йўналишда клублар фаолият кўрсатади: "Бизнес", "Ёш менеджер", "Ёш иқтисодчи", "Шарқ архивлари", "Илҳом чашмалари", "Ёш табиатшунослар", "Ёш сухандон", "Баҳс-мунозара", "Мустақиллик учун курашганлар", "Инсонпарварлик ва миллатлараро ҳамкорлик" клублари, шунингдек, "Ёшлар театри" студияси ишлари жонланиши лозим.

**Миллий касб-ҳунар тўгараклари** ишини ҳам ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, мукаммаллаштириш лозим. Буларга зардўзлик, чилангарлик, ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик, саватдўзлик, миллий каштачилик, косиблик, кулолчилик, гиламдўзлик, ошпазлик, сандиқсозлик, темирчилик ва ҳоказолар киради.

Миллий касб-ҳунар тўгаракларини ташкил этишда вилоят, туман, қишлоқдаги ҳунармандлар ҳузурига бориш ёки уларни тўгаракка таклиф қилиш катта аҳамиятга эга. Ҳунармандчилик анъаналари яхши сақланиб қолган Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Қўқон каби шаҳарлар сафи кенгайишида устоз-му

Марказ ишини ташкил этишда ўзбек халқининг турмуш тарзи ва маънавиятига хос анъаналар ҳисобга олинади. Мақсад эса болалар ва ўсмирларда аждодларимиз меросига ҳурмат-эътибор билан қараш, уни чуқур ўрганиш, эъзозлаш туйғусини камол топтириш, энг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни тарбиялашдан иборат. Демак, бунда аниқ мақсадларга эришиш мўлжалланган ранг-баранг мавзулардаги тадбирларни амалга оширадиган даргоҳлар иши юқори босқичга кўтарилади.

**"Ёш китобсеварлар" клуби** фаолияти қишки таътил кунларида ҳам тўхтаб қолмаслигини истаймиз. Клуб иши икки босқични ўз ичига олади:

— ташкилий ишлар;

— тадбирлар режаси.

Ҳар икки босқич бир-бирининг узвий давоми бўлиб, бу клубнинг бош мақсади — Китоб тарғиботи ҳисобланади. Китобхонлик санъатининг кейинги йилларда анча сусайганлигини ҳисобга олган ҳолда, оилаларда, маҳаллаларда, жамоат жойларида суҳбатлар уюштириш, кўчма кутубхоналар, китоб ярмаркалари ташкил этиш ушбу клубнинг асосий мақсади ҳисобланади.

**Оммавий ва миллий спорт ўйинлари** ҳам қишки таътилни яйраб-қувнаб ўтказишдаги муҳим омиллардан. Бунда турли хил спорт тўгараклари ва клублари болажонларимизга аъло кайфият, куч бағишлайди.

**Республика таълим маркази**





*Дилфуза Патхуллаева Тошкент шаҳридаги 315-умумтаълим мактабида 16 йилдан буён бошланғич синф ўқувчиларига билим бериб келмоқда. Юқоридаги суратда: Д.Патхуллаева 1 - "А" синф ўқувчилари билан.*

*Яқинда янги йил кириб келади. Мактабнинг 3-синф ўқувчилари Қорбобо, янги йил арчаси, Қорқиз каби суратлар ишлашди.*

*Пастдаги суратда: Ўқитувчи Мактуба Соипова болалар чизган суратларни кўздан кечирмоқда.*

**Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.**

# ҚИЗҒОНИШГА АРЗИЙДИГАН ЮРТИМИЗ БОР

(Боши 1-бетда)

давлатлар барқарорлигини, тараққиётини таъминлашга улкан ҳисса қўшган. Париж университетининг Туркий тадқиқотлар институти директори Луи Базеннинг француз муаррихи Люсьен Кэрэннинг "Амир Темур салтанати" деб номланган китобига ёзган сўзбошисида қуйидаги гаплар айтилган: "Амир Темур ёхуд "Темур ҳукмдор" каби тарих ғилдирагини ўзгартирган инсонлар жуда кам: у 1402 йилда Анқара жанггоҳида Боязид Йилдирим устидан қозонган кучли ғалаба Константинопол умрини ярим асрга узайтирди ва бу билан Оврупони турк истилосидан сақлаб қолди; у Тўхтамишхон ва Олтин Ўрдага берган қудратли зарбалар ўрусларни муғул мустамласидан (демак, «Комсомольская правда»да ёзилганидек, Қизил майдонда Чингизхон ёдгорлигининг ўрнатилишидан — А.Р.) халос қилди ва Московияга ислоҳотларни амалга ошириш имкониятини яратди; унинг Яқин Шарқ, Эрон ва Шимоли-ғарбий Ҳиндистонга қилган юришлари ушбу минтақаларнинг сиёсий мувозанатини тубдан ўзгартириб юборди".

Ҳа, биз бобомизни адолатни ниҳоятда яхши кўрадиган, ўз салтанатида бирорта инсонни беҳудага ранжитмаган, зулм кўрсатмаган, илм-фанга ва маърифат аҳлига чексиз ҳурматда бўлган шахс сифатида яхши биламиз. Шу боис ҳам мамлакатимиз мустақилликка эришгач, биринчи галда, Амир Темур шахси, унинг Ватанимиз тинчлиги, сарҳадларимиз мустаҳкамлиги ва юртимиз ободончилиги йўлида қилган мислсиз меҳнатлари қадр топди. Унинг ҳаёти ёшларимизга ватанпарварлик, миллий ғурур, одиллик, яратувчанлик каби юксак одамийлик хислатларини сингдиришда самарали омил бўлмоқда. Қолаверса, жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган инсон сифатида Амир Темурнинг ва яна кўпгина аждодларимизнинг дунёга ёйилган шуҳрати мамлакатимизнинг жаҳоний мавқеини белгилашда муҳим мезон вазифасини ўтамоқда. Мустамлакачилар томонидан буюк бобокалонларимизга нисбатан кўрсатилган салбий муносабатлар замирида эса, ўзлигимизни намоён қиладиган шундайин жиҳатларнинг бўй кўрсатишига йўл қўймаслик бош мақсад бўлган. Эгилса-да синмаган, даҳшатли талотўплардан ўзлигини, имон-эътиқодини соф ҳолда олиб чиқа олган ўзбек халқи "Комсомолка"да чиққан мақолада айтилган гапларни ким, нима мақсадда айтишини ҳам яхши билади.

Президентимиз Ислом Каримов «Комсомольская правда» газетаси мухбирининг узр сўраб олган интервьюсида босиқлик билан ушбу мақоладаги гаплар билан ҳурматсизлик қилинганлигини айтди. Шу ўринда халқларимиз ўртасидаги илиқ муносабатлар ҳақида гапира туриб, Президентимиз бу каби нохолис мулоҳазалар Ўзбекистон, ўзбеклар тўғрисида россияликларда нотўғри тушунча уйғотиши мумкинлигини афсус билан таъкидлаган эди. Бироқ ҳозирда Россияда ҳам кечаётган янгиланишлар, фикрий ўзгаришлар жараёни иккала миллат ўртасидаги азалий ҳамкорликнинг кўнгилдагидек давом этишига замин яратади. Бунда ўзаро тенглик, қадриятларга, урф-одатларга ҳурмат ва эҳтиром асос бўлиб қолади.

**Абдусамат РАҲИМОВ**

## Tadbir

# ОНАНИ ЭЪЗОЗЛАШ — ҚАДРИЯТ

Аёл — табиатнинг энг нозик, энг гўзал бир хилқатидир. Мана, шундай нозик қалб, гўзал инсон — жамиятимизнинг барча жабҳаларида меҳнат қилиб, ўз ўрнини топиб келаётгани қувонарлидир. Қарангки, аёл — ўқитувчи, аёл — шифокор, аёл — ишчи, аёл — олима, аёл — тадбиркор, аёл — шоира, аёл — раҳбар, бир сўз билан айтганда, аёл – онадир.

Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда уни Она сиймосига қиёс этадилар.

Онани эъзозлаш бизнинг миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган фазилатлардан биридир.

Шу муносабат билан Шайхонтоҳур туманидаги Ғафур Ғулом номли 169-мактабда шоира Нилуфар, ёзувчи Тоҳир Малик, Шайхонтохур ХТБнинг хотин-қизлар кенгаши ва туман мактаблари хотин-қизлар кенгаши раислари иштирокида "Иффатли Шарқ аёли" кечаси ўтказилди.

Даставвал, кеча иштирокчиларини шоира Нилуфар ва ёзувчи Тоҳир Малик ўз ижод намуналари билан таништиришди.

Сўнгра улар бизнинг иффатли аёлларимиз, лобар қизларимизнинг дунёқарашлари, ўзларининг ҳаётий тажрибалари, ўзбекона — ҳеч бир миллатда такрорланмайдиган чиройли урф-одатларимиз, ҳадисларнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, аёлни, онани қадрлаш буюк инсоний фазилат эканлиги ҳақида сўз юритдилар.

"Ёш қаламкашлар" тўгарагининг аъзолари Наргиза Азларова ва Фарҳод Қосимовлар эса "Шайтанат" асарига ёзган ўзларининг қиёсий намуналаридан парчалар ўқиб бердилар.

Кеча қатнашчилари шоира Нилуфар ва Тоҳир Маликка улар ижодига мансуб бўлган кўплаб саволлар билан мурожаат этишди. Хуллас, кеча мушоирага айланиб кетди.

**Ф. АТАМАТОВА**

## Seminar

# ҲАҚҚОНИЙ БАҲОЛАШ УСУЛИ

**Фарғона вилоятининг қатор ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчилар билимини рейтинг тизими асосида баҳолашга бундан бир неча йил олдин ўтилганди. Аммо улар ҳали мукаммал эмас эди. Энди эса мазкур тизимни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишга мўлжалланган ҳужжатлар яратилди. Ҳозир республикамиздаги барча мактабларда ўқувчилар билими кўп балли рейтинг тизими асосида баҳоланаяпти. Бу - иккинчи ўқув чорагидан ёппасига кучга кирди. Шу муносабат билан вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти ходимларининг бевосита ташкилотчилигида "Ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг тизими" мавзусида амалий семинар ўтказилди. Йиғилишда таълим тизимининг раҳбар ходимлари, услубчилар, фаол ўқитувчилар қатнашдилар.**

**Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Турсунали Қурбонов тингловчилар эътиборини малака ошириш институти ходимлари томонидан қатор туман ва шаҳарлардаги мактабларда ўтказилган тест натижаларига қаратди.**

**Маърузачининг фикрича, ўқувчилар билими талаб даражасида эмаслиги ўзининг яққол исботини топди. Бундай нуқсон davoматга ҳам тааллуқлидир.**

**Мазкур ҳолат муаллимларнинг янги педагогик технологиялар асосида кўпроқ унум билан ишлашларига, ўқувчиларни мустақил ўқишга ўргатишга даъват этади.**

**Бошқа нотиқларнинг фикрларига қараганда, ўқувчилар билим даражасининг кўрсаткичи паст эканлигига сабаб ўқитувчиларнинг ўз вазифаларига етарлича эътибор билан қарамаётганликларидадир.**

**Семинар рейтинг тизимининг мавжуд вариантлари бўйича тажриба алмашиш ҳамда бу борада пайдо бўлаётган муаммолар муҳокамаси билан якунланди.**

**Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз**

# ЭКСТЕРНАТ ТЎҒРИСИДА МУВАҚҚАТ НИЗОМ

## I. Умумий қоидалар

1.1. Халқ таълими тизимида экстернат— таълим олувчилар (бундан кейин матнда "экстерн"лар) томонидан умумий ўрта таълим дастурларини давлат таълим стандартлари доирасида мустақил ўзлаштириш жараёни бўлиб, у фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Қонуни билан белгиланган таълим олишга доир ҳуқуқий кафолатларини рўёбга чиқаришга мўлжаллангандир.

1.2. Мустақил таълим олувчилар ва фуқаролар билимини экстернат тартибида жорий ва якунловчи аттестациялардан ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури", "Таълим тўғрисида"ги Қонунларига, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги 203-сонли "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низом"га ҳамда мазкур муваққат Низомга амал қилинади.

## II. ЭКСТЕРНАТ ЙЎЛИ БИЛАН АТТЕСТАЦИЯГА ҚЎЙИШ ТАРТИБИ

2.1. Экстернат тартибидаги аттестация, таълим олувчиларнинг билдирилган истакларига кўра, умумий ўрта таълим муассасасининг маълум синфи ҳажмида ёки тўлиқ таълим курси учун амалга оширилиши мумкин.

2.2. Экстернат тартибидаги аттестацияга 9-синф ҳажмида 16 ёш ва ундан катта, 11-синф ҳажмида 18 ва ундан катта бўлган ёшдаги фуқаролар қатнашиши мумкин. Истисно тариқасида экстернат тартибида маълум синф (синфлар) доирасида жорий аттестациядан ўтиш ҳуқуқи давлат таълим стандартларига мос оилада мустақил таълим олган ва "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказлари" ҳамда ўқийдиган мактабининг педагогика кенгашининг хулосаларга кўра ўта қобилиятли ва истеъдодли, деб топилган умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқувчиларига, ўқув дастурларини давлат таълим стандартлари талаблари асосида мустақил равишда тўла бажарган шахсларга ҳам рухсат этилади.

2.3. Экстернат тартибида имтиҳон топширишни истовчи шахслар ҳар йили 1 мартдан 15 апрелга қадар муассаса раҳбари номига ариза ёзадилар.

2.4. Оилада мустақил равишда билим олган ва экстернат тартибида аттестациядан ўтишга истак билдирган барча фуқаролар таълим муассасаси қабул комиссиясига ариза билан бирга туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхасини, халқ таълими бўлими қароридан кўчирма, яшаш жойидан маълумотнома, икки дона 4х6 ҳажмидаги фотосуратни, маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхасини, агар ишлаётган бўлса, иш жойидан маълумотномани тақдим этадилар. Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжатлар шахсан кўрсатилади.

2.5. Умумий ўрта таълим муассасасида таҳсил кўраётган экстерн (ўқувчи)лар эса "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази" томонидан берилган махсус тавсиянома (йўлланма)ни тақдим этадилар.

2.6. Аризаларни қайд қилиш йўқламасида экстернат йўли билан имтиҳон топширувчининг туғилган йили, гувоҳнома (паспорт) бўйича доимий яшаш жойи ёзиб қўйилади.

2.7. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими кенгашининг қарори билан экстернлар аризаси кўриб чиқилади. Қайси мактабда, қачон ва қайси фанлардан имтиҳон топширишлари ҳал этилади. Мазкур қарор ариза берувчига имтиҳонлар бошланишидан камида 1 ой илгари маълум қилинади ва унинг кўчирмаси экстерн қўлига берилади.

2.8. Бир ёки бир неча фанлардан якуний қониқарсиз баҳоланганлиги учун академик маълумотнома (справка) олган умумий ўрта таълим муассасаларининг битирувчи синф ўқувчилари кейинги йилда фақат қониқарсиз баҳоланган фанлари бўйича экстернат тартибида аттестация қилинадилар.

2.9. Умумий ўрта таълим муассасаси курсини тинглаганлиги ҳақида маълумотнома берилган шахслар экстернат тартибида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги мазкур ўқув йили учун белгилаган фанлар бўйича якуний аттестациядан ўтадилар. Икки йилдан ортиқ танаффусдан сўнг экстернат тартибида аттестациядан ўтиш истагини билдирган экстернлар барча фанлардан қайта имтиҳон топширадилар.

2.10. Ўрганилган баъзи фанлар бўйича ўқувчининг ҳужжатида йиллик баҳоси кўрсатилган бўлса, экстерн шу ҳужжат асосида мазкур фанлар бўйича имтиҳон топширишдан озод этилади.

2.11. Жадаллаштирилган дастур асосида бир синфни четлаб кейинги синфга ўтказиш мақсадида ўтказиладиган жорий имтиҳонларга қўйиш масаласи вилоят халқ таълими бошқармалари билан келишилган ҳолда туман (шаҳар) халқ таълими бўлими томонидан расмийлаштирилиб, ўқувчиларнинг кейинги ўқишларига шарт-шароит яратилади.

2.12. Экстернат тартибида имтиҳонларга қўйилган экстернларга умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарияти томонидан маслаҳатлар бериш, қўшимча адабиётлар билан таъминлаш масаласи ҳал этилади.

## III. ЭКСТЕРНАТ ЙЎЛИ БИЛАН ИМТИҲОН ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Экстернат йўли билан имтиҳонлар қабул қилиш бир йилда бир маротаба, умумий таълим муассасаларидаги имтиҳонлар билан бир хил муддатда ўтказилади.

3.2. Экстернатлардан имтиҳонлар қабул қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси тажрибали ва малакали педагогик кадрлар билан таъминланган умумий ўрта таълим муассасаларини белгилайди ва махсус ҳужжат орқали тасдиқлайди.

3.3. Экстернат синовларини ўтказиш ҳуқуқи берилган муассасаларда экстерн тартибида имтиҳон ўтказиладиган барча фанлар бўйича ҳар йили 25 апрелгача консультациялар ва имтиҳонлар жадвали чиқарилади ҳамда улар муассаса раҳбари томонидан тасдиқланади.

3.4. Оилада ва мустақил таълим олган экстернлар учун имтиҳон материаллари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига қарашли услубиёт хонаси мутахассислари томонидан тайёрланади ва унинг мудири томонидан тасдиқланади.

Имтиҳонларда экстернларнинг билими, малакаси ҳар бир фан бўйича давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар асосида синаб кўрилади.

3.5. Имтиҳонлар бошланиши олдидан ёки имтиҳонлар даврида касал бўлиб қолган ва имтиҳонлар тугамасдан соғайиб кетган экстернлар, қолган барча имтиҳонларни тиббий маълумотномага биноан мазкур имтиҳон ёки навбатдаги имтиҳон даврида топшириш ҳуқуқига эгадирлар.

Имтиҳонларга узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаган экстернлар мазкур синовларни топшириш ҳуқуқини йўқотадилар.

3.6. Тиббий хулосаларга кўра, экстерн аттестация ўтказилаётган таълим муассасасига шахсан бориш имконияти чекланган (касаллиги туфайли) бўлса, бундай шахслар аттестация қилиниши учун муассаса маъмурияти томонидан тегишли мақбул шароитлар яратилиши назарда тутилади.

3.7. Экстернат тартибидаги имтиҳонлар муассаса раҳбари томонидан тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади, бунда экстернлар гуруҳи учун бир кунда фақат битта: ёзма ёки оғзаки имтиҳон ўтказилишига рухсат этилади.

3.8. Экстернлар учун имтиҳон ўтказишда умумий ўрта таълим муассасаларида ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билим ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш ҳақидаги "Йўриқнома" талабларига риоя қилинади.

3.9. Имтиҳон баённомасининг ўнг томонидаги юқори бурчагига "экстернат" деб қайд қилинади.

3.10. Имтиҳонларни ўтказиш бўйича белгиланган тартиб экстерн томонидан бузилган ҳолатларда у имтиҳон топшириш ҳуқуқидан маҳрум этилади.

3.11. Якунловчи аттестация жараёнида икки ёки ундан ортиқ фанлардан имтиҳон топшира олмаган экстернларга шу фанлардан келгуси йили қайта имтиҳон топшириш ҳуқуқи берилади.

## IV. ЭКСТЕРНЛАРГА ҲУЖЖАТЛАР БЕРИШ ТАРТИБИ

4.1. Умумий ўрта таълим муассасасининг тўлиқ курси бўйича белгиланган барча имтиҳонларни муваффақиятли топширган экстернларга мактаб педагогика кенгашининг қарорига кўра умумий ўрта маълумот ҳақидаги аттестат берилади. Аттестатда экстерннинг хулқи учун баҳо қўйилмайди.

4.2. Экстернат тартибда имтиҳон топширган шахсларга бериладиган умумий ўрта маълумот ҳақидаги аттестатнинг юқори қисмига "экстернат" сўзи ёзилади.

4.3. Умумий ўрта таълим муассасасининг 1—8-синфларидан маълум бирининг тўлиқ таълимий курси бўйича белгиланган барча имтиҳонларни муваффақиятли топширган экстернларга мактаб педагогика кенгашининг қарорига кўра, мазкур синф ҳажмида ўқишни битирганлиги ҳақида табель ва педагогика кенгаши қароридан кўчирма берилади.

4.4. Аризаларни расмийлаштириш дафтари, имтиҳон (синов) қарорлари, экстернларнинг имтиҳонлардаги ёзма ишлари ва бошқа расмий ҳужжатлари муассасада белгиланган тартибда сақланади.

## V. ЎҚИТУВЧИЛАРГА ҲАҚ ТЎЛАШ

5.1. Экстернларга консультация ўтказганлиги ва имтиҳон қабул қилганликлари учун имтиҳон комиссияси раиси ва аъзоларига тариф ставкаси бўйича соатбай ҳисобида ҳақ тўланади.

Ёзма имтиҳонларда экстернлар сони 16 ёки ундан ортиқ бўлганда қуйидаги ҳисобда ҳақ тўланади:

а) ўрта мактабларда — она тили ва адабиёт бўйича 8 ўқув соати, математика бўйича — 5 ўқув соати ҳисобида.

5.2. Гуруҳдаги экстернлар сони 16 тадан кам бўлган тақдирда, улар ёзма имтиҳонларни умумий таълим муассасаси ўқувчилари билан бирга топширадилар, бунда имтиҳон комиссиясининг раиси ҳамда аъзоларига қўшимча ҳақ тўланмайди.

Экстернларнинг ёзма ишларини (она тили ва адабиёт, математика ва ҳ.к.) текширганликлари учун ҳар бир экстерн учун 20 минут ҳисобида ҳақ тўланади.

5.3. Оғзаки имтиҳонлар учун имтиҳон комиссиясининг раиси ва бошқа комиссия аъзоларига ҳар бир экстерн учун 20 минут ҳисобида ҳақ тўланади.

5.4. Ҳар бир фан бўйича ўтказилган консультациялар учун, агар гуруҳдаги экстернлар сони 16 ёки ундан ортиқ бўлса, 3 ўқув соати ҳисобидан ҳақ тўланади. Гуруҳдаги экстернлар сони 16 кишидан кам бўлган тақдирда, ҳар бир экстерн учун 20 минут ҳисобидан ҳақ тўланади (лекин фан бўйича уч ўқув соатидан ошмаслиги керак).

5.5. Экстернат тартибида ўтказиладиган имтиҳон ва консультациялар учун экстернлардан ҳақ олинмайди.

Юқорида кўрсатилган ҳақ тўлаш меъёрлари 1—8-синфлар таълимий курси бўйича экстернат тартибида имтиҳон қабул қилишга жалб этиладиган мутахассисларга ҳам тегишлидир.

Qadriyat

# КЎҲНА ТАРИХИМИЗ МАНБАИ

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби – "Авесто"да Ўрта Осиё мамлакатлари Хоразм, Гавут (Сўғдиёна), Марғиёна, Бактрия ва бошқа мамлакатлар тилга олинганки, бу аждодларимиз жуда қадим замонлардан бери яшаб келганлигини тасдиқловчи далил ҳисобланади. Шундай экан, аввало, "Авесто"га доир маълумотлар билан танишиш маънавий зарурат, дейиш мумкин.

"Авесто" зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлиб, аслида Ўрта Осиё, Эрон, Озарбойжон халқларининг энг қадимги даврдан бошланган ижтимоий-иқтисодий ҳаётини, динларини ҳамда оламни билиш ҳақидаги тушунчалари, урф-одатлари, маданий-маънавий ривожланиш даражаларини ўзида акс эттирадики, бу китобда халқимиз тарихи, ҳудудимизда мавжуд бўлган давлатлар, уларнинг дини ва ривожланиш манбалари кўрсатиб берилган.

"Авесто"да баён этилган маълумотларнинг энг қадимгилари милоддан аввалги 2000 йилнинг охири 1000 йилнинг бошларига оид бўлиб, бу қисмлар Готлар ва Яшта номлари билан маълум. "Авесто"даги аксарият маълумотлар авлоддан авлодга ўтиб келган деб тахмин қилиниши билан бирга, айрим манбаларга кўра, "Авесто"нинг терига битилган қадимги нусхаси бўлган, лекин бу нусхани Искандар Зулқарнайн Эронни забт этганда ёндириб юборган, деган тахминлар ҳам мавжуд.

Айрим манбаларда "Авесто" ёзма шаклда милоддан аввал I асрда вужудга келган, деган фикрлар ҳам бор. Тарихий манбаларга таяниб айтиш мумкинки, ҳозирги кунда фанга маълум бўлган "Авесто" милоднинг IY асрларида сосонийлар хонадонидан чиққан шоҳ Хисрав I даврида ёзиб олинган бўлиб, сосонийларнинг иккинчи шоҳи Шопур I даврида унинг ташаббуси билан китобдаги маълумотларга астрономия, медицина, география, этика ҳамда бошқа илмлар қўшиб юборилгани қайд этилган.

Олимларнинг ёзишича, "Авесто" 21 қисмдан иборат бўлиб, сосонийлар даврида халқ орасида ишлатилмайдиган тилда ёзиб олинганлиги, ҳатто бу тилни руҳонийлар ҳам тушунолмаганлиги сабабли, ўша даврнинг адабий тили ҳисобланган паҳлавий тилига таржима қилиниб ўрганилган. Барча таржималар Зенд номи билан амалга ошганлиги туфайли Европада "Авесто" "Зенд Авесто" деб нотўғри талқин этилган.

Шуниси қизиқки, "Авесто" жуда катта ҳажмдаги китоб бўлгани боис, руҳонийлар ундан кундалик фаолиятларида "Катта Авесто"дан дуоларни танлаб олиб, "Кичик Авесто" китобини тартиб беришган.

Бу китоб бизнинг ҳудудимизда аждодларимиз томонидан битилгани ҳақиқатга яқинроқдир. Давр ўтиши, Ўрта Осиёнинг, Эроннинг араблар томонидан забт этилиши туфайли зардуштийлик дини ўрнига Ислом дини кириб келганлиги натижасида "Авесто"нинг кўп қисмлари унутилаёзган. Ҳозирги давргача етиб келган бўлаклари — Ясна, Виспарт, Видевдат, Яшта каби қисмлардан иборатдир.

Илмий тадқиқотларнинг хулосасига қараганда, зардуштийлик келиб чиққан жойлардан бири Ўрта Осиё бўлган. "Авесто"да, масалан, бойлиги, кўркамлиги жиҳатидан қадимги Ўрта Осиё мамлакатлари – Хоразм, Сўғдиёна, Марғиёна, Бактрия кабилар биринчи бўлиб тилга олинган.

"Авесто"да таъкидланишича, олам икки асоснинг – ибтидонинг, яъни ёруғлик ва қоронғулик, яхшилик ва ёмонликнинг мунтазам курашидан иборат. Китобда яхшиликни ифодаловчи кучлар осмонда, ёмонликни ифодаловчи кучлар эса ернинг остида бўлиб, ернинг юзи кураш майдони экани, инсон ҳам тана ва руҳнинг қарама-қаршилигидан, инсон ахлоқи эса яхши ва ёмон хулқ-одатларнинг курашидан иборат, деб талқин этилади.

Шуниси диққатга сазоворки, "Авесто"да бизнинг ҳудудимизда қалай ва қўрғошин каби қимматли фойдали қазилма бойликлари мавжудлиги, қадимги аждодларимизнинг оилалари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Қадимги аждодларимизда оила қуриш учун (уйланиш) барча эркак ва аёллар учун умумий, бажарилиши лозим бўлган одат экани тўғрисида маълумот келтирилади. Бу одатга кўра, уйланмоқчи бўлган йигит-қиз билан ер остидаги махсус кураш биносида беллашиши лозим бўлиб, йигит қизни курашда енга олмаса, у қизнинг асири бўлиб қолиши таъкидланган. Ҳудудимиздаги аёллар қадимда эркаклар билан бирга душманларга қарши жанг қилиб, от устида камондан ўқ узиб, ғолиб бўлганлар. Малика Спаретра, Геродотнинг ёзишича, Эрон шоҳи Кирни чўлга олиб кириб қўшини билан қириб ташлаган Малика Тўмарис ҳақиқий аждодларимиздан ҳисобланади.

Қадимги аждодларимиздан қолган кўпгина одатлар ҳали-ҳануз сақланиб келган. Тўйларда курашга тушиш, куёв ва келин томоннинг тортишмачоқ ўтказишлари бунга бир мисол. Куёв томон тортишмачоқда енгиб чиққан тақдирда келинни олиб кетиш ҳуқуқига эга бўлади.

"Авесто"да дунёда тенги йўқ мамлакат "Эранведж" тўғрисида маълумот бериладики, тадқиқотчилар шу мамлакат Хоразм эканлигини таъкидлашади. Шунингдек, китобда одамга ва чорвага бой "Сўғд" ҳақида, байроқлари баланд кўтарилган мамлакат Бахди (Бактрия), унинг атрофлари таърифланади, кемалар қатнайдиган дарёлар Амударё билан Сирдарёда жуда қадимда кемалар қатнагани ҳақида маълумотлар келтиради.

Турли даврлардаги манбаларни қиёслаб, "Авесто"-да келтирилган маълумотларга асосланиб шундай хулосага келиш мумкинки, "Авесто" Ўрта Осиёда яратилган ҳамда зороастризмнинг асл ватани Ўрта Осиё бўлган.

**Х. БОЕВ**

"Yil maktabi — 99"

**Бугун РТМда Ўзбекистон Республикаси "Йил мактаби –99" кўрик-танлови бошланади. Унда республика халқ таълимига беқиёс ҳисса қўшаётган, туман (шаҳар), вилоят ва мамлакат миқёсида Давлат таълим стандарти талаблари асосида янги педагогик технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этаётган илғор педагогик жамоалар ўзаро беллашишади.**

**–Танловдан мақсад – Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарори бажарилиши бўйича Республикада ташкил этилган тажриба-синов иши ва натижаларини ўрганиш, уларни рағбатлантириш, илғор педагогик тажрибаларни оммалаштириш,– деди кўрик-танлов ташкилий қўмитаси аъзоси, ХТВ Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бош мутахассиси Турсуной Абдуллаева.– Шу билан бирга, мактаб, оила, маҳалла ҳамкорлигини кучайтириш, таълимдаги янги мазмун, мактабларда шаклланаётган илғор педагогик технология кенг қулоч ёйишига йўл очиш, мактабларда таълим-тарбиявий ишни бошқариш ва ички назоратнинг ноанъанавий услубларини ҳамда соғлом авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор бераётган жамоаларни қидириб топиш ва ўрганишдир.**

**Хўш, танловда илм масканлари иш тажрибасининг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор берилади? Жараёнга татбиқ этилаётган янги педагогик технологиялар, иш усуллари қайси мезонлар асосида ўлчанади? Умуман, бугунги мактаб қандай бўлиши керак?**

**Кўрик-танлов Низомида қайд этилишича, беллашувда мактабнинг тури, танлаб олинган йўналиши, моддий таъминоти, ўқув ва услубий адабиётлар билан таъминланганлиги, таълим-тарбия ишига Давлат таълим стандарти талаблари асосида янги педагогик технологияларни жорий этиш, таълим жараёнида алломалар, мутафаккир-мураббийлар меросини ўрганиш ва амалда қўллаш, ўқувчиларнинг маънавий-маърифий фазилатларини бойитиш борасида олиб борилаётган ишлари кўрсатиб берилиши лозим. Маданий қадриятлар ва анъаналарни тиклаш ва улардан фойдаланиш, миллий ҳунармандчиликка муносабат, ижодкор ўқитувчилар-**

# БУГУНГИ МАКТАБ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

**нинг оммалаштиришга лойиқ тажрибаси, ўқитувчилар, ўқувчилар ва ота-оналар ўртасида инсонпарварлик муносабатларини шакллантириш йўллари, ўқувчиларга чуқур билим бериш, уларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг самарали усул ва услублари алоҳида ўрин тутади. Мактаб, туман(шаҳар)да ўтказиладиган олимпиадаларда, кўриклар, иқтидорли болалар танловларида ўқувчиларнинг иштироки ва совринли ўринларни эгаллаши, 11-синф битирувчиларининг ўқув юртларига, 9-синф битирувчиларининг ўқишга тортилиши, ўқувчилар ўртасида қонунбузарликнинг бўлмаслиги, болаларнинг онгини юксалтириш омиллари, уларни ижодий ишлар ва тарбиявий тадбирлар билан банд қиладиган турли клуб, музей, ташкилот ва тўгараклар фаолияти ҳам асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.**

**Айни пайтда танловнинг 2 - босқичида ғолиб чиққан Қорақалпоғистон Республикаси Беруний туманидаги 63-мактаб (раҳбари Холбой Жумақов), Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги 21-мактаб (раҳбари Дилором Қўлдошева), Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги 8-мактаб (раҳбари Бахтиёр Ҳикматов), Наманган вилояти Наманган туманидаги 37-мактаб (раҳбари Маъсуда Мирзалиева), Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 10-мактаб (раҳбари Ёқуб Абдиев), Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги 4-мактаб (раҳбари Муроджон Нурқобилов), Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 23-мактаб (раҳбари Рашид Лутфуллаев), Самарқанд шаҳар Сиёб туманидаги 21-мактаб (раҳбари Сайёра Маликова), Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги 21-мактаб (раҳбари Шукрулло Расулов), Сурхондарё вилояти Денов туманидаги 1-мактаб (раҳбари Хосият Қораева), Тошкент шаҳридаги 9-мактаб (раҳбари Гавҳарой Каримова), Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридаги 5-мактаб (раҳбари Зинаида Фозилова), Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги 5-мактаб (раҳбари Зубайдулла Нуриллаев), Хоразм вилояти Шовот туманидаги 1-мактаб (раҳбари Рўзимбой Оллоберганов) жамоалари беллашувга шай туришибди. РТМ йўлакларида ташкил этилган мактаблар ҳаёти ҳақида маълум тасаввур уйғотувчи кўргазмалар (ижодий ишлар, кўргазмали қуроллар, ишланмалар, энг яхши тадбир акс этган стенд ва ҳоказо) экспертлар томонидан синчиклаб ўрганилмоқда. Шунингдек, мактаб педагогик жамоаси ва ўқувчилар фаолияти ёритилган видеолавҳалар ҳам баҳоланиб борилади.**

**Кўрик-танлов якунида мактаб директори 15-20 дақиқалик маърузасида ўзининг ва педагогик жамоасининг фаолияти ҳақида гапириб беради ҳамда Республика "Йил мактаби – 99" кўрик-танлови ғолиблигини ҳимоя қилади. Хуллас, беллашув қизиқарли, қизғин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтиши кутилмоқда.**

**Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ**

# ШОГИРДЛИКНИНГ ИЛИҚ КАЛОМИ

Fanimiz fidoiylari

*Олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари институти бўлим мудири Асфандиёр Аловиддиновнинг меҳнат фаолияти дастлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси институтида катта лаборантликдан бошланди. 1963 йили илмий ишдаги муваффақиятлари учун Фанлар академияси уни Москвадаги Менделеев номли кимё-технология институтининг аспирантурасига йўллади. Аспирантурани муддатидан ярим йил илгари тугатиб, номзодлик диссертациясини ёқлади. 1966-67 йилларда ўз илмий фаолиятини Тошкент пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси институтида давом эттирди.*

*1967 йилдан бошлаб А.Аловиддинов Тошкент политехника институтининг кимё-технология факультетидаги органик кимё кафедрасида аввал катта ўқитувчи, сўнг доцент бўлиб ишлади. Институтда талабаларга дарс бериш билан бирга ўз илмий ишини давом эттирди. Ниҳоят, 1981 йили Москва кимё-технология институтида докторлик диссертациясини ёқлади. 1982 йилдан ТошПИнинг органик кимё кафедрасида профессор бўлиб ишлади.*

*А.Аловиддиновнинг илмий ишлари халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган фосфор, азот сақловчи ионалмашгич моддалари, синтези ва уларнинг хоссалари, кимёвий ва физикавий қонуниятларини аниқлашга бағишланган. Илмий монографияси "Фан" нашриётида чоп қилинган (1981). Назарий кашфиётларини гидрометаллургия саноати оқава сувларини тозалашда қўллаб, катта муваффақиятларга эришгани учун Ўзбекистон "ЭКСПО" кўргазмалар марказининг "Ўзбекистон кашфиётчиси" фахрий ёрлиғини олган.*

*Унинг илмий маърузалари БМТнинг фан ва маданият бошқармаси, ЮНЕСКОнинг назарий ва амалий кимё халқаро уюшмаси - ИЮПАК ташкил қиладиган халқаро МАКРО-78 (Тошкент), Макро-84 (Амстердам) ва Макро-87 (Берлин) илмий симпозиумларида тингланган.*

*А.Аловиддинов атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари ечимини излаётган олимлардан бири. У Чирчиқдаги капролактам ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларни ишлаб чиқаришга қайтариш борасида шогирдлари билан катта муваффақиятларга эришди.*

*А.Аловиддинов кейинги йилларда "Маънавият ва маърифат масалалари бўйича, олий ва ўрта махсус мактаб муаммолари" институтида бўлим мудири бўлиб ишлади. Гуманитар таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бўлимини бошқараётганлиги кимёгар-профессорнинг дунёқараши қай даражада кенглигидан далолатдир. У киши 1998-99 йилларда миллий урф-одат, ўзбек халқ маънавиятининг жаҳон маданиятида тутган ўрни ва миллий кадрлар тайёрлашдаги аҳамиятига бағишланган ОУЮ республика илмий-амалий, назарий конференцияларини ўтказишга катта ҳисса қўшди.*

*Асфандиёр Аловиддинов 15 нафар шогирдларининг фан номзоди, 2 нафар шогирдининг эса докторлик даражасига бош-қош бўлди.*

*Домла бу йил "Энг яхши дарслик" муаллифлари танловида II даражали диплом билан тақдирланди.*

*Ҳозирги кунда А.Аловиддинов ОЎМММИнинг "Стандартлар ва меъёрий ҳужжатлар" бўлими мудиридир. Биз шогирдлари у киши билан фахрланамиз ва ибрат оламиз.*

**Г.ҚОРИЕВА,**
**кимё фанлари номзоди**

Tajriba-sinov maydonchalarida

# МАЖМУАДА НАФОСАТ ТАРБИЯСИ

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга татбиқ этиш бўйича Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 9-мактабгача ва бошланғич таълим муассасаси амалга ошираётган ибратли ишлардан намуна олса арзийди. Кичкинтойлар маскани қобилиятли болаларга узлуксиз ривожлантирувчи таълим бериш, инглиз тилини чуқур ўргатиш, ёш авлодга жаҳон андозалари асосида ўзбек маданияти ва санъати анъаналари ҳақида билим беришга йўналтирилган.

Мажмуа 240 ўринли бўлиб, унда 8 та боғча гуруҳи ва 4 та бошланғич синф мавжуд. Ширинтойларга 20 нафар тарбиячи ва 11 нафар олий маълумотли ўқитувчилар замон талаблари асосида имкон қадар таълим-тарбия бермоқдалар. Муассаса дилбандларга инглиз тили ҳамда эстетикага йўналтирилган фанлар бўйича ривожлантирувчи билим бериб, уларнинг таянч мактабларида ўқишни самарали давом эттиришларига замин яратаётир.

Узлуксиз таълим тизимида чет тилларининг барвақт ўқитилиши бола шахсининг шаклланиши, ҳар томонлама камол топишига ёрдам берадди. Умуман, мажмуада кичкинтойларнинг чет тилини муваффақиятли ўзлаштиришлари учун шароит яратилган. 27 йиллик тажрибага эга, олий тоифали педагог Л.Н.Соколова ўз дастурида янги алифбо бўйича тил ўргатиш, ўқув жараёнида бевосита мулоқот йўналишининг турли хил ўйин воситасида бўлишини кўзда тутади. Маскандаги 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган кичкинтойларда дастлаб тинглаш, гапириш, сўзларни тўғри талаффуз қилиш борасида кўникма асослари таркиб топа боради.

Муассасада 20 йиллик педагогик тажрибага эга бўлган олий тоифали психолог А.К.-Фадеев раҳбарлигида мустақиллик мафкурасига таянган, ҳолда, миллий қадриятлар асосида педагогик ва психологик услубларни анъанавий иш шаклларидан ноанъанавийларига ўтиш баробарида муқобил тамойиллар қўллаб, янги педагогик технология бўйича тадбирлар амалга оширилмоқда. Болалар шифокори Г.Нодирова ҳамда ҳамшира Е.Тюрина дилбандлар саломатлиги йўлида парвона. Физиотерапия хонасида тубус, УВЧ, массаж каби тиббий муолажалар амалга оширилаётир. Фитобарда турли хил гиёҳлардан шифобахш ичимликлар тайёрланиб, болаларга тортиқ қилинади. Муассасада махсус гуруҳ мавжуд бўлиб, унда кўз касаллигига чалинган турли ёшдаги болалар тарбияланади. Улар йилда бир марта кўз касаллиги диспансерида даволанишади. Қолган даврда эса болалар кўз шифокори назоратида бўладилар. Тифлопедагог С.Джемилева махсус гуруҳ болалари билан хилма-хил тиббий машғулотлар олиб бораётир.

Масканда нафосат тарбиясига алоҳида аҳамият берилаётир. Болажонлар куннинг иккинчи ярмида турли хил тўгарак ҳамда факультатив машғулотларда фаол иштирок этмоқдалар. Хореография, дутор, рубоб, чанг, скрипка, доира, фортепьяно, тасвирий санъат кабилар шулар жумласидандир. Тўгарак машғулотларини мусиқа мактаби мутахассислари олиб борадилар.

— Мажмуамиз, - дейди 9-мактабгача ва бошланғич таълим муассасаси директори С.Сулейманова,

— 1999-2000 ўқув йилидан бошлаб «Болаларни ривожлантириш ва мактабга тайёрлаш» дастурини амалга ошириш бўйича тажриба-синов майдони этиб тасдиқланди. Х.Норбоева, Л.Москаленко, Р.Каримова, Н.Мочалкина, Д.Эсаева, Г.Тўрақулова сингари тажрибали, болажон тарбиячилар машғулотларни янги дастур бўйича ранг-баранг тарзда ташкил этмоқдалар.

Ўғил-қизларни мустақил давлатимизнинг муносиб бунёдкорлари қилиб вояга етказишда мана шундай изланувчан, фидойи мураббий ва муаллимларнинг қўшаётган ҳиссалари шубҳасиз, беқиёсдир.

**Дилбар ХЎЖАЕВА**

# КЕЧАДАГИ "ТОМОША"

Taassuf

Яқинда ТошДУ маданият саройидаги адабий кечага бордим. Ўқитувчилар, юқори синф ўқувчилари, талабалар ва бошқа зиёлилар зални тўлдириб ўтиришарди. Секин бориб бўш ўринлардан бирига чўкдим.

Дид билан жуда чиройли тайёрланган кеча бошланди. Севимли ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг асарларидан саҳна кўринишлари намойиш этилди. Саҳнада Анвар билан Раъно қиёфаси пайдо бўлди-ю, залда қий-чув бошланди. Бу қий-чувнинг "ташкилотчи"лари замонавий кийинган, кўчаларда бизнинг кўзимизга чиройли, билимли, маданиятли бўлиб кўринадиган талабалар эди. Гўёки залда улардан бошқа томошабин йўқдай, гоҳ ҳуштак чалишар, гоҳ бор овозда бақириб, шовқин солишарди. Диққатим ошди. Ортиқ ҳеч нарса томоша қилиб, дам ололмадим.

Фикру хаёлим талабаларга кетди. Қани энди улардаги маънавият? Қани энди буюк ёзувчига ёки унинг асарига ҳурмат? Ҳеч бўлмаса залда ўтирган устозларга нисбатан ҳам ҳурмат йўқ эди. Хуллас, ташқи қиёфа инсоннинг кўзини жуда тез алдар экан. Киши ўз қиёфасига яраша иш тутса бўлмасмикан? Ёки инсоннинг ташқи кўринишини бекаму кўст яратган эгам қалб, ҳурмат, маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ, ҳалоллик каби буюк тушунчаларнинг қиёфасини ҳам мақтанарли даражада инъом этса бўлмасмикан?

Хаёлларим чувалашиб кетди. Олдимда ўтирган кишининг туртиб юборганидан ўзимга келдим. Кеча тугаганлигини сезиб, эшик томонга юрдим. Яна ур-сур, тўполон. Бир-бирига нисбатан ҳурмат, илтифот қаёқда қолди?

**Дилдора БОЙМУРОДОВА,**
**Тошкент шаҳридаги 196-мактаб ўқитувчиси**

# ЯНГИ ЭКОЛОГИЯ ЛОЙИҲАСИ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари гидрометеорология хизматлари вакилларининг Тошкентда ўтказилган кенгаши янги йирик экология лойиҳасини ишлаб чиқишга бағишланди. У "Орол денгизи ҳавзасидаги гидрологик давр кузатувларининг тизими" деб номланди. Республикамиз Бошгидромети ташаббуси ва Бутунжаҳон Метеорология ташкилотининг васийлиги остида беш давлат мутахассислари учрашуви ўтказилди. Кенгаш ишида, шунингдек, Бутунжаҳон банки, "Глобал Экология Фонди" Агентлиги, Орол денгизи муаммолари бўйича Швейцария миссияси ва жаҳон ҳамжамиятини безовта қилаётган ушбу муаммонинг ҳал этилишидан манфаатдор бошқа халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Бутунжаҳон метеорология ташкилотининг гидрология ва сув ресурслари департаменти раҳбари Жон Бассернинг айтишича, лойиҳанинг асосий мақсади Орол денгизи ҳавзасида гидрологик давр кузатувининг ягона тизимини яратишдан иборат. Бу эса, ҳудуднинг барқарор ривожланишида сув заҳираларининг аҳволи ҳақида мутахассисларни ишончли ахборот билан таъминлашга имкон беради. Келгусида ушбу маълумотлардан атроф-муҳит ўзгаришлари муаммолари билан шуғулланувчи бутун дунё гидрометеорологлари ва олимлари фойдаланишлари мумкин.

**— Лойиҳани ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш бўйича Ўзбекистон илгари сурган таклифлар катта қизиқиш уйғотади,** — дея таъкидлади Д.Бассер. — **Жумладан, Ўзбекистон Бошгидромети томонидан Бошқарувчи минтақавий Марказни барпо этиш ғояси илгари сурилмоқда. Бутунжаҳон метеорология ташкилоти эса ушбу лойиҳани молиялаш учун Халқаро жамғармаларни топишга ҳаракат қилади.**

"Туркистон-пресс"



*Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл туманидаги 6-"Ширинтой" ясли-боғчада Ўзбекистондаги қушлар ва ҳайвонот оламидан иборат серияли қўғирчоқ-ўйинчоқлар тайёрланади. Мазкур қўғирчоқ ўйинчоқлар "Экология ва табиат" мавзусида ўтказиладиган машғулотларда тарбиячиларга яқиндан ёрдам беради.*

**Суратда:** Боғча мудираси Амина Мавлонова ўйинчоқларни намойиш этмоқда.

**Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат.**

# ЭҲТИРОМ

Математика - фанларнинг отаси. Қадим Шарқ, хусусан Ўзбекистон мудом бу соҳанинг етук мутахассисларига бой бўлиб келган.

Одатда зеҳнли, қобилиятли, билимга чанқоқ йигит-қизлардан яхши математиклар етишиб чиқадилар. Демак, бундай ёшларни тарбияловчи устоз ҳар томонлама фозил, оқил бўлмоғи зарур.

Ўзбекистон Фанлар Академияси мухбир аъзоси, ТошДУ профессори, оптимал бошқарув назарияси кафедраси мудири, 60 ёшини қаршилаётган Нўъмон ака Сатимов мана шундай эҳтиромга сазовор инсонлардан.

Андижонда туғилиб ўсган Нўъмон ака 1956 йили Ўрта Осиё Давлат университетини битириб чиқди. Чунки ёш, билимга чанқоқ талаба тез орада назарга тушиб, азим Тошкентга юборилганди-да!

Нўъмон ака бундан ўттиз йил бурун номзодлик ишини ҳимоя қилди, йигирма йилдан кейин эса докторлик диссертациясини . Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидек, 37 йилдан буён университетимизнинг механика-математика факультетида самарали фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Эҳ-ҳе, бу йиллар ичида устоз «қоплаб» шогирдлар етиштирмоқдалар. Учта докторлик, йигирмага яқин номзодлик ишлари бевосита устоз раҳбарлигида ёқланди.

Нўъмон акани кўрган одам сира 60 ёш бермайди. Чунки домла мудом спорт билан шуғулланадилар. Айниқса, айтиш мумкинки, футбол, теннис деса ўзини томдан ташлайдиганлардан. Университетимизда ўтказиладиган барча мусобақаларда ҳам фаол иштирок этадилар.

Умрингиз узоқ бўлсин, устоз! Ёшлик ғайрати, кексалик донишмандлигини намоён этиб, бизга ибрат бўлиб юраверинг!

**Гулмирза ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**механика-математика факультети декани, профессор**

